



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@cxat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil "30" aprel

Қ-328 -son

Termiz sh.

Жарқўрғон тумани "Оққўрғон" массиви "Қораёнтоқ" маҳалласи ҳудудидан "FAYOZBEK FAZLIDDINBEK FAYZ" оилавий корхонасига енгил конструкцияли "Иссиқхона" қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 12 апрелдаги 02-05/275-сон йиғилиш баёни, Жарқўрғон туман ҳокимининг 2021 йил 19 мартдаги 01-05/97-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Жарқўрғон тумани "Оққўрғон" массиви "Қораёнтоқ" маҳалласи ҳудудидан "FAYOZBEK FAZLIDDINBEK FAYZ" оилавий корхонасига туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 457қ-дала контуридаги 1,0 гектар яйлов ер майдони енгил конструкцияли "Иссиқхона" қуриш учун вақтинча (10 йил муддатга) фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. "FAYOZBEK FAZLIDDINBEK FAYZ" оилавий корхонаси бошлиғи Ф.Кенжаевга:

иссиқхона учун ажратилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона қуриш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;

мақсадсиз фойдаланилганда ёки бир йил мобайнида фойдаланилмаганида ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олинishi кўрсатиб ўтилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланишини доимий назорат қилиб бориш, ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасига ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси

чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов